

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 20-oktabr ● Seshanba ● 124 (30.084) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

САЙЛОВЛАРНИНГ КАМПАНИЯСИНИНГ ҲАР БИР БОСҚИЧИДА

тадбирларимизни изчил олиб боришимиз зарур, дея таъкидлашди фаоллар

Сиёсий партиялар учун сайловлар кампанияси тобора қизғин тус олмақда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу муҳим сивон олдида белгилаб турган тадбирларни ўтказмоқда.



Кеча партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати ҳам партия ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов олдида олиб борадиган ишлари самардорлигини ошириш масалаларига бағишланди. Унда партия Марказий

Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, экспертлар, Тошкент вилоят ва шаҳар партия ташкилотлари фаоллари иштирок этди. Таъкидландики, мамлакатимизда илгөр демократик талаблар, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, халқимизнинг миллий менталитетидан келиб чиқади-

ган сайлов тизими шаклланди. Сайловларга оид миллий қонунчилик базаси мустақамланди. Фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайловлар, унинг барча жараёнлари, босқичларида эркин, фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий-ташқилий шароитлар яратилди.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул қилинган 426 ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428 ва 429-қарорларига мувофиқ Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

(ЎзА)

ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда улар таркибидagi туман, шаҳар кенгашлари «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20, 21-

моддаларига мувофиқ, 2009 йил 27 декабрда бўладиган давлат ҳокимияти маҳалли вакиллик органлари сайловларида иштирок этиш учун ҳудудий сайлов комиссияларига тегишли ҳужжатларни тақдим этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан ПАРТИЯВИЙ ИШ ҲАЁТИМНИНГ МАЗМУНИ

дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳаммадjon Абдурахмонов

Дастлаб Муҳаммадjon билан суҳбатимиз қовушавермади. У камтарлиги боис қилаётган ишлари, депутат сифатидаги ташаббуслари ҳақида ортиқча гапиришни истамас эди. Лекин сўз ЎзХДПнинг жамият тараққиётида тутган ўрни, нуфузи, дастурий мақсадлари ҳақида кетганида суҳбатдошимиз «очилди». — Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ташкил этилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқимизнинг тарихий анъаналари, қадриятлари ҳамда умуминсоний демократик тамойилларга таянган партия, — деди у. — Мазкур партия мамлакат истиқболлини фуқаролик жамияти асосида кўради, шахе қобилиятини ривожлантириш билан бирга, ижтимоий ҳимояга ургу берди. Менинг инсоний ички мезонларим, эътиқодим ЎзХДП ғояларига мос эканлиги учун шу партия сафидан жой олдим. Кейинчалик ҳаётим давомида тўғри қарор қабул қилганимга бир

неча бор иқрор бўлдим. ЎзХДП мураккаб йўлни босиб ўтди, десам, хато қилмайман. Ўтган 18 йил давомида бир неча партиялар тузилди. Уларнинг деярли ҳар бири ўз ғояларини тарғиб қилибгина қолмай, бизнинг партия билан баҳсга киришиб кўрди. Ҳозир ҳам улар билан ўртанимизда сиёсий кураш давом этмоқда. ЎзХДП эса дастурий мақсадлари йўлида ўз позициясида қатъий туриб фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг маълум қатлами бизни қўллаб-қувватлаётгани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнимиз борлигидан далолатдир. Фақат юқорида эмас, қуйида ҳам мустақам илдиэга — бошлангич таъкилотларига эга бўлган сиёсий куч сифатида партия вакиллари давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча бўғинларидан муносиб ўрин олди.

(Давоми 2-бетда)



ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида 20 октябрь куни Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иш бошлайди

Ушбу тадбирлар Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мамлакатимиз корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, ички бозорда ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар ҳажмини, ялпи ички маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ўтказилмоқда. Бу галги ярмарка ва биржа учинчи марта бўлиб ўтмоқда. Аммо аввалгиларидан фарқ-

ли ўларок, бу тадбирларга халқаро мақоми берилди. Форумда иштирок этиш учун дунёнинг 50 дан ортиқ давлатидан 600 дан зиёд хорижий фирма ва компания вакиллари ташриф буурди. Улар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича тегишли шартномалар тузди. Тадбирлар кўламининг бундай кенгайтирилиши Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, ярмарка ва биржа тармоқларо ва халқаро кооперацияни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон саноатчилари форумининг асосий вазифаларидан бири юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенг маълумот бериш, шериклар топиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотларни етказиб бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳўжалик шартномаларини тузишга кўмаклашишидир. Корхоналар, саноат тармоқлари эҳтиёжларини баҳолаган ҳолда, ривожланиш истиқболларини олдиндан аниқлаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига марҳамат!

В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири

Тадбир

Адлия вазирлиги ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор берилаяпти. Шу мақсадда тузилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг тадбирлари давом этмоқда.

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Мазкур тадбирларнинг навбатдагиси Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида ташкил этилди. Давра суҳбатида Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, туман ҳокимлиги, тумандаги ФХД, нота-

рият ва Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда ёш мутахассислар томонидан «Конституция — изчил демократик ислохотлар асоси», «Сайлов ҳуқуқи — фуқароларнинг му-

ҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири сифатида», «Солиқларнинг давлат аҳамияти», «Одам савдоси — трансмиллий жиноят» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзулари юзасидан баҳс-мунозаралар ташкил этилди.

Равшан ШОДИЕВ

СУД ОБРЎСИ ВА ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИ
Ҳуқуқий ислохот 2

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН БИР САФАДА 3

БУХОРОНИНГ МИНОРАЛАРИ 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган


ЎзХДП депутатлари фаолиятдан

ПАРТИЯВИЙ ИШ ҲАЁТИМИНГ МАЗМУНИ

дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳаммаджон Абдураҳмонов

...Муҳаммаджон Абдураҳмоновдаги ишчанлик, Ватанга садоқат, миллий ғояга кучли эътиқодни маҳалла-кўй, ҳамқишлоқлар, сафдошлари яхши билишади. Уч қақирқик, халқ депутатлари туман, вилоят Кенгашининг депутати сифатида ўз фаолигини намоён этишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Мига катта маб-лағ ажратилди. Бу деҳқонга ма-дад. Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори-га мувофиқ туманимизда намунавий лойиҳа асосида замонавий бинолар бунёд этиладиган бўлди. Шу икки қарорнинг ўзи аҳолининг, электратимизнинг иш ҳамда турмуш шароитларини анча яхшилашга хизмат қилмоқда. Биз, ЎзХДП аъзолари жойларда устувор ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган Президент



ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур, деб ҳисоблайман. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида бири-бирдан кўрам касб-ҳунар коллежлари қурилади. Уларнинг битирувчилари эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаш-ятимиз? Очиги, бу борада ҳали муаммолар бор. Айнан ЎзХДП фаоллари Фарғона вилояти мисо-лида масалани ўрганиб, тегиш-ли идораларга тавсияларини бергани ўрнили бўлди. Жумладан, Ўзбекистон туманида ҳам Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда

партия туман кенгаши бу долзарб масалага амалий нуқтаи назардан ёндашмоқда. Худудий бандлик дастури муҳокамаида депутатлик гуруҳи электрот манфаатларига жавоб берадиган қўшимчалар киритган эди. Бугун кунда унинг ижросини мониторинг қилияпмиз. Умуман, депутат фаолиятида ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Биз корхона-муассасаларда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя масаласини ўрганиб, ўз тавсияларимизни бердик. Маҳаллаларда эҳтиёжманд оилаларга нафақа ажратишда ҳам баъзида сунистеъмомчиликка йўл қўйилган ҳолатлар учрайди. Бунда ҳам тегишли мурожаат асосида адолат қарор топишига ёрдамлашдик. Ахир бу гаплар остида партияимиз дастурида белгиланган вазифалар ётибди. Шу маънода жойларда, жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилгани ЎзХДПнинг аҳоли ораси-га чуқурроқ кириб боришига янада кенг имконият яратди. Бугун туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси, кўча қабулхоналар фаолияти нечоғли зарур механизм эканини

амалда исботлади. Нафақат электрот, кенг халқ оммасида партиянинг имкониятларига ишонч кучайди. 2003-2004 йилларда Муҳаммаджон Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олди. Уқини тугатиб яна кадрдон туманига қайтди. Ҳали бу ерда қиладиган ишларим кўп, деди у бошқа лавозимларга таклиф қилишганда. Яйналиқларнинг катта-ю кичигигача уни танийди, ҳурмат қилади. Кимда қандай муаммо тугилса, «бир Муҳаммаджон билан маслаҳатлашай», дейдиган бўлиб қолган. Келганларга имкон қадар ёрдам беради. — Муҳтарам Президентимиз ҳеч ким сизга сиздан четда туролмаслигини айтганди. Дарҳақиқат, жамиятдаги ислохотларга берадиган ҳар бир ҳарқ бўлиш мумкин эмас. Аввало, партия, унинг фаоллари электрот ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга устувор вазифаларимиздан бири, деб қарамогимиз лозим, деб ўйлайман.

Муаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИЛ - МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ



Бу дунёда ўз она тилида жўшиб қуйламаган, унинг жозибаси-ю сеҳридан фахрланмаган инсон бўлма-са керак. Ўз она тилидан гурурлана оладиган халқ-гина ўзлигини намоён этади, бошқалар олдида қад-дини тик тутиб, бошини банд кўтариб юради. Шукрки, биз ана шундай миллатлардан биримиз. Юртимиз, Ватанимиз номи билан боғлиқ тилимиз Давлат тили даражасига кўтарилган. Ўзбек тили эъзозланиб қадрланган, ер юзининг барча бурча-чада эътироф этиладиган, ўз имконияти руҳия-ти, куч-қудрати билан бутун бир халқ виждонига айланган хур кунларга эришди. Бугун дунёнинг қайси жойида бўлманг, ўзбек фарзандлари давлат мадҳиясини она тилида бўлак овозда айтишмоқ-да.

Шу кунларда бутун халқимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 20 йиллигини жой-ларда кенг нишонламоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кун кеча П-Республика тиббиёт коллежида бўлиб ўтди. «Она тили — жону дилим» мавзусидаги тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаевлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги кунда ўзбек тилига бўлган эъти-бор, унинг нуфузи ва ўрни тобора ортиб бораётга-ни, еш авлод маънавияти ва қамолотида она тили-миз муҳим ўрин тутгани таъкидланди. Ешлар ўрта-сида тилга ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириш, нутқ маданиятини юксалтириш, ўқув дарсликлари-да тил маданияти тарғиботини янада кенгроқ йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди.

— Истиклолимиз туфайли она тилимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, — дейди коллежнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Сурайё Абду-жабборов. — Ўғриси, бугун тилимизнинг жози-баси, гўзаллиги, раволиги ва нақадар жўшқинли-гини ўқувчилар қалбига муҳраш муҳим аҳамиятга эга. Қувончли томонларидан бири шундаки, ҳозир тилимизга ажратилган дарс соатлари кўпайган. Ўқитиш жараёнида янги усуллари қўлланапти. Бу-ларнинг барчаси ўқувчилар қалбига она тилимизга нисбатан ҳурмат, меҳр, муҳаббат туйғуларининг шаклланишида ўзига хос омил бўлиб хизмат қила-ди.

Шу ўринда улуг адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тили ҳақида билдирган фикрлари ёдга туша-ди:

«Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифо-да этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!...»

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратда: ўқитувчи С.Абдужабборов таалабалар-дан бир гуруҳи билан она тилимиз бойлиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

САЙЛОВЛАРДА КАМПАНИЯСИНING ҲАР БИР БОСҚИЧИДА

тадбирларимизни изчил олиб боришимиз зарур, дея таъкидлашди фаоллар.

Давомий. Боши 1-бетда

Партия Марказий Кенгаши райси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ана шу имкониятлардан фойдаланиб, сайловда қандай иштирок этиш ва қандай натижани кўлга киритиш сиёсий партиянинг ўзига боғлиқлигига эътибор қаратди. Бугунги кунда партия ташкилотлари, фаоллари, тарғибот гуруҳлари томонидан электротнинг сиёсий маданияти, аҳолининг сайлов кампанияси, сай-лов қонунчилиги юзасидан билимларини ошириш, бу йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунириш бора-сида олиб бораётган ишлари ҳақида тўхтади. Одамларнинг ижтимоий, сиёсий ва фўқаролик маданияти, фаоллиги, ён-атрофда рўй бераётган воқеалар, ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани ҳақида сўз юритди.

Семинарда сайловда тарғиботи жараёнида жамоатчилик билан алоқалар технологияларидан самарали фойдаланиш, партия ташкилотларнинг сайловда ишлари самарадорлигини оширишда коммуникациянинг ўрни масалаларига бағиш-ланган маърузалар тинганди. Сайловда курашлар вақтида бундай технологиялар ва воситалардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Давра суҳбатининг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳ-ларга бирлашиб, муҳокама этилган масалаларни амалиётда қўллаш юзасидан интерактив усулда таклифлар ишлаб чиқди-лар. Такдимотлар жараёнида мавзуларнинг амалий жиҳатла-ри яна бир бор муҳокама этилди.

Мазкур мавзу бўйича машғулотлар партиядаги сиёсий ва фўқаролик маърифати тизимини вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич ташкилотларда ҳам олиб борилади. БҲРОД ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

Қораўзак Қорақалпоғис-тоннинг энг шимолий ту-манларидан. Кейинги йилларда туманда Ўзбе-кистон ХДП электротини ташкил этувчи фўқаролар манфаатларига хизмат қиладиган кўп-кўп ишлар амалга оширилди. Бу иш-ларда партиянинг фаолла-ри, депутатларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор, албатта.

Туманда бўлиб ўтган «Халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларидаги Ўзбе-кистон ХДП депутатлик гу-руҳларининг партия электротари манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли» мавзусидаги давра суҳба-тида бу ҳақда алоҳида таъ-кидланди. Тадбирда Ўзбе-кистон ХДП Қорақалпоғис-тон республика, Қораўзак туман кенгаши раҳбарлари, халқ депутатлари Қораўзак туман Кенгашидаги депу-татлик гуруҳи, партия тар-ғиботчилари, «Фаол аёл-лар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари, фаол-лар, бошланғич ташкилот-лар раислари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар ва-киллари иштирок этдилар.

Тадбирда Жўқорги Кен-гесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ва халқ депу-татлари туман, шаҳар Кенга-шларидаги депутатлик гуруҳ-ларининг ташаббуслари бил-ла тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш, айниқса, «Қишлоқ тарақиёти ва фар-ровонлиги йили» Давлат

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ

асосий йўналишлари муҳокама этилди

дастури ижроси бўйича қилинаётган ишлар яна бир бор муҳокама этилди. Қораўзак туман партия кенгаши райси Қидирниёз Дўстназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-тати, ХДП фракцияси аъзо-си Гулiston Аннақличева, Қорақалпоғистон республи-ка партия кенгаши райси Назира Матякубова, туман хокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кен-гесдаги ХДП фракцияси аъзо-си Кошкнбой Берди-ниёзов ва бошқалар аҳоли кенг қатлами орасида тар-ғибот-ташвиқот ишлари юзасидан партия ташкилот-лари, депутатлик гуруҳла-

ри томонидан олиб бори-лаётган ишлар самарадор-лигини ошириш вазифала-ри ҳақида батафсил тўхта-лдлар. Таъкидландики, 27 декабр-да бўладиган сайлов Ўзбекистон ҳақиқий демок-ратик ривожланиш йўлидан бораётганидан — далолат «ақаллиги» фўқароларимиз-га ҳар томонлама тушунти-риш зарур.

Шунингдек, партия ташки-лотлари ва депутатлик гу-руҳларининг электротаримиз манфаатлари йўлида қилган ишларини одамларга етказ-иш, тушуниришга қаратил-ган тадбирларини янада та-комиллаштириш талаб этил-моқда. Партияимизнинг мак-садлари, илгари сураётган ғоялари ҳақида ҳам жойлар-да аҳоли билан мулоқотлар-ни мунтазам ташкил этиб бориш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан би-ридир. Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУД ОБРЎСИ ВА ИЖРО ҚОНУНЧИЛИГИ

Мамлакатимизда иж-ро иши юритишга оид ислохотлар босқич-босқич олиб бориламоқда. Таъкидлаш лозимки, Суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллашти-ришга оид ислохотлар та-шаббуслари Юртбошимиз ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз суд қарор-ларини ижро этиш тизими-ни қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини 1996 йил 29 августда Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқ-ида таъкидлаган эди.

2001 йил 10 мартда Ва-зирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ Адлия вазир-лигининг Судлар фаолия-тини ташкилий таъминлаш бошқармаси, Қорақал-поғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ад-лия бошқармаларининг те-гишли бўлиmlари тугати-либ, Адлия вазирлиги ҳузу-рида махсус ваколатли орган — Судлар фаолия-тини ташкилий, моддий-техника жиҳатдан ва мо-лиявий таъминлаш депар-таменти билан жойлар-даги бўлиmlарни ташкил этилди.

Орадан 5 ой ўтиб, яъни 2001 йил 29 августда мам-лакатимиз Президенти та-шаббуси билан ижро ҳуж-жатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжат-ларини ижро этиш тўғри-сида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ис-лохотларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки ушбу қонун билан ижро ҳужжат-ларини ижро этилишини таъ-минловчи махсус орган — Адлия вазирлиги ҳузурида-ги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти судья лаво-зимлари кадрларни тавсия этиш, суд амалиёти ва суд статистикасининг ти-зимли таҳлилини амалга ошириш, судларни ташкил этиш, халқ маслаҳатчила-

Ҳуқуқий ислохот

ри сайловларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш вазифаларидан озод қилинди ҳамда унинг асо-сий вазифаси этиб суд қарорлари ва бошқа орган-лар қарорлари сўзсиз ижро этилиши ишларини ташкил этиш белгиланди. Охириги йилларда қонун ҳужжатларига мувофиқ Суд департаментига суд қарор-ларини ижро этиш бўйича бир қатор қўшимча вазифа-лар, хусусан, бюджет олдидagi боқиманда қарз-ларни қарздорнинг мол-мулкни ҳисобидан мажбу-рий ундириш, давлат да-роматидаги ўтказилган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёки сотиш, молиявий жа-рималарни тадбиркорлик субъектларидан суд тарти-бида ундиришнинг юклани-ши эъвазига суд ижрочили-

бир қатор аниқ чора-тад-бирлар кўрилди. Жумладан, Суд департаменти-нинг ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича бўлиmlар ташкил этилди. Ташкилий назорат ва таҳлил бош-қармаси, Ички хавфсизлик инспекцияси, Статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, худудий бўлиmlар тузилмасига тегишли ўзгаришлар киритилди. Суд департаменти ходим-ларининг сони 1270 тага етказилди. Давр талаби мажбурий ижро этиш механизмининг янада такомиллаштириши тақозо этди. Ушбу маса-лаларга ечим топиш мақ-садида Президентимиз-нинг 2006 йил 31 август-даги ва 2007 йил 1 ноябр-даги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар-ни ижро этиш юзасидан суд ижроси тизимини таш-килий ва тузилмавий жи-ҳатдан ўзгариш бўйича

йил 15 январда қонуний кучга кирди. Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимча-ларга мувофиқ суд ҳужжа-тини ижро этмаганлиги учун жисмоний шахслар-нинг, хатланган пул маб-лағлари билан банк опе-рацияларини амалга оши-риш учун банк ёки бош-қа кредит ташкилоти хо-димларининг жиноий жа-вобгарлиги белгилангани, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги эса қучайти-рилди. Шунингдек, қарз-дорнинг республика ҳуду-дидан ташқарига чиқиб ке-тишини вақтинчалик ке-члаш тартиби жорий этил-ди, Суд департаменти ор-ганларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжат-ларини ижро этиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича суриштирувни амалга оши-риш ҳуқуқи берилди. Ушбу ислохотлар нати-жасида соҳада бир қатор ижобий кўрсаткичларга

эришилмоқда. 2008 йил-нинг 9 ойи давомида дав-лат фойдасига 515 млрд. 787 млн. сўмдан ортиқ пул маблаглари амалда унди-рилган бўлса, бугунги кун-да 920 млрд. 266 млн. сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп пул маблаг-лари амалда ундирилди. Ўтган йилнинг 9 ойида дав-лат бюджетига 464 млрд. 300 млн. сўмдан ортиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилган. Бу-гунги кунда қарийб 2 ба-равар кўп — 804 млрд. 393 млн. сўмдан ортиқ пул маблаглари ундирилди. Ижро бораида ишлар-ни изчил давом эттириш албатта ижро самарадор-лигини ошишига ва ҳар бир ижро ҳужжатининг тўлиқ ижроси таъминлани-шига олиб келади. Маж-бурий ижро механизмининг мукамаллаш-тириши эса фўқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг судга бўлган ишончини куч-айтиришга хизмат қилади. Зафар ТЎХТАБОВ, Суд департаменти бошқарма бошлиғи.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Ярим асрлик умрини мустамлакачилик шароитида камситилиб кечирган биздек инсонлар учун мустақил давлатнинг фуқароси бўлишдан ортқ бахт йўқ. Бундай саодатга осонликча эришмадик, албатта.

Ўзбек мактабларининг сони бир томондан қисқарилиб, уларнинг ўрнида ўзбекча ва русча ўқиладиган мактаблар очилган бўлса, иккинчи томондан ўзбек мактабларида ўзбек болалари учун русча ўқиладиган синфларни очишга

бўлган ишончини оширди. **Тарихий хотира.** 1991 йилнинг 30 мартида бўлиб ўтган Президент кенгашининг навбатдаги йиғилишида бошқа масалалар қаторида лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтиш масаласи ҳам

чиларига аввало ана шу фикрни эслатди. Лотин алифбосига асосланган янги ёзувга ўтишимиздан кўзланган асосий мақсад жаҳон ҳамжамиятига тезроқ кириб бориш, умуминсоният тараққиёти билан бир сафда бўлиш ва халқ-

са, бу унинг ўзига ҳавола... Ислоҳ Қаримовнинг ҳар томонлама асосли ва чуқур илмий тушунтиригидан кейин йиғилишда юз берган ҳалиги қўбланши барҳам топиб, фикрий бирлик вужудга келди. Мажлис аҳли лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш гоёсини бир овоздан маъқуллади.

Мана, ўша тарихий мажлисга ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Орада ўтган давр мобайнида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини турмушга жорий қилишга, умуман эса, тил маданиятимизни юксалтиришга қаратилган бир қатор тadbирлар амалга оширилди. Шу жумладан, 1993 йил 12 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини турмушга жорий қилиш жўясини қабул қилинди. 1995 йил 29 декабрда «Давлат тили тўғрисида» (янги тахрирда) Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 1995 йил 29 декабрда «Давлат тили тўғрисида» (янги тахрирда) Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 1995 йил 29 декабрда «Давлат тили тўғрисида» (янги тахрирда) Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН БИР САФДА

Ҳар бир элсевар, юртсевар ва эрқарвар киши учун, айниқса, ўз мамлакати ва миллатининг порлоқ ва шон-шавкатли ўтмиш тарихидан озмиқўпим хабардор бўлган зиёли учун ўз она-Ватанида она тилининг камситилишига шохид бўлишдан кўра оғир ва кучли жабру ситам бўлмас керак. Саксонинчи йилларнинг охирига келиб, бу ҳолат кучайганидан кучайиб хўрликка айланди. Бунинг устига ўша пайтда республикада ҳокимият тепасида турганлар миллий сиёсатда, жумладан, тилга муносабатда телба-тескари иш тутиб, ўтнинг янада алабга олиб кетишига сабабчи бўлишди.



киришилган эди. Бу ҳавфли сиёсат эди, халқимизни ўз она тилидан — маънавий бойлиқларининг биридан жудо қилиб, маънавий қиёфасига пугур етказишга қаратилган машъум бир «тадбир» эди. Бундан ташқари, икки тилга давлат тили мақоми бериш ҳақидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган. Табиийки, бу ҳолат халқимизнинг сабр қосасини тўлдириб юборди...


1989 йилнинг июнида Ислоҳ Қаримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлади, зудлик билан Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақида қонун лойиҳаси тайёрланди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ўша йилнинг октябрида эса Олий Кенгаш сессиясида Ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги қонун қабул қилинди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилишда республика раҳбарининг жонбозлик кўрсатгани, муҳокамада бир неча марта сўзга чиқиб, халқимизнинг тил соҳасидаги миллий манфаатини ҳимоя этгани сессия йиғилишини «ойнаи жаҳон» олдиди жиддий кузатиб ўтирган миллион-миллион томошабинларни шодлан-тириб юборди, халқимизнинг эртанги кунга

муҳокама этилди. Тарих шохидки, мазкур масала шахсан Президентимиз ташаббуси билан кун тартибига қўйилган эди. Йиғилишда мазкур масаланинг муҳокамаси, айниқса, қизгин тус олди. Музокарада катнашганлар орасида янги ёзувга ўтишимизни сидқидилдан ёқлаганлар ҳам, бунга қарши турганлар ҳам, бўлди. Ўша тарихий давр нуктаи назаридан баҳр берсак, бундай фикр қутбларга бўлиниш табиий бир ҳолдир. 1991 йилнинг март-ойи эди. Ўзбекистон Республикаси амалда мустақил одимлаётган бўлса-да, расман марказга тобе ҳисобланарди. Ушанда иттифоқдош республикаларда қиррил алифбосига асосланган ёзув қўлланиларди, ярим асрдан бери шундай ҳол мажбуран жорий этилган бўлиб, бу нарса Марказ учун ўз сиёсатини юритишда қулай восита ва омиллардан ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб лотин ёзувиге ўтиш ниятини Марказ илиқ қутиб олмаслиги турган гап эди. Лекин, Маҳмудхўжа Бейбуҳдий таъбири билан айтганда, мустақиллик тилаб олинмайди, балки курашиб қўлга киритилади. Йиғилишда раҳбаримиз Ислоҳ Қаримов мажлис қатнаш-

аро миқёсда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашдан иборат эканини алоҳида уқтирди. **Лотин ёзуви — жаҳоний ёзув**, дея таъкидлади Юртбошимиз, дунёдаги энг тараққий этган АҚШ, Англия, Германия, Франция, Италия, Канада каби мамлакатларда лотин ёзувиге асосланган алифболар қўлланилади. Дунёдаги бошқа кўпгина давлатларда ҳам бу ёзувдан иккинчи ёзув сифатида фойдаланилади. Давлатларда ёзишмаларда, айниқса, банк, савдо-тико-рат доираларида хизмат қилувчилар ўртасида бу ёзувни билмайдиган ва фойдаланмайдиган киши йўқ ҳисоби. Биз бир ёзувни улуғлаб, иккинчи бир ёзувни камситмоқчи эмасмиз. Барча ёзувларни башарий цивилизациянинг таркибий қисмлари деб ҳисоблаймиз. Лекин бундан буюн тараққиётимиз учун энг қулайини, энг самаралисини танлаб оламиз. Бу — лотин ёзувидир. Бирок бу ёзувга босқичма-босқич, тадрижий тарзда ўта борамиз. Бунда шомашошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Дастлабки даврларда — то лотин ёзувиге тўлиқ ўтилгунча, амалдаги ёзувимиздан ҳам фойдаланиб борилади. Лекин шахсий турмушда ким қайси ёзувдан фойдалан-

МАМЛАКАТНИ ТАРК ЭТИШ

ТАВСИЯ ЭТИЛДИ




либ ҳарбий хунта билан мухолифат ўртасида низолар чиқа бошлади. 29 сентябрда эса намойишчиларга қарата қуроллардан ўқ отилди.

Бирок намойишчиларга нисбатан қурол ишлатилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Камарро рад этмоқда. Унинг айтишича, намойишда 157 киши эмас, балки 57 киши ўлган. Улар ҳарбийлар томонидан ўққа тутилмаган, балки намойишчилар оёқлари остида қолиб нобуд бўлган.

Гвинеядаги мазкур намойишнинг бос-тирилиши масаласи ҳозир Халқаро жиноят суди томонидан ўрганилмоқда ва кўриб чиқилмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раиси Карел Де Гукнинг айтишича, Муссо Камарро инсониятга қарши амалга оширган жиноятлари учун суд қилиниши керак.

Африка Иттифоқи эса Камарронинг президент сайлови жараёнидаги широк этмаслигини талаб қилган. Камарро эса бу талабга эътибор ҳам бермапти.

Гвинеяда 2010 йил 31 январда президент сайлови бўлиб ўтади.



ҲУЖУМ ҚИЛМАСЛИГИ

учун пул тўлаган экан

Буюк Британиянинг «The Times» газетаси маълум қилишича, Италия махфий хизмати Афғонистон пойтахтидан 65 километр шарқда жойлашган Сароби шаҳрида НАТО иттифоқчилари таркибиде хизмат қилаётган Италия ҳарбий бўлинимасига толибонлар ҳужум қилмаслиги учун 2008 йилда уларга катта миқдорда пул берган экан.

Маълумотларга қараганда, икки томон ҳам бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида келишиб олишган. Бунга «Толибон» ҳаракати раҳбарларидан бири ва икки нафар афғон қорчалони ҳам тасдиқлади. АҚШ разведкаси ҳам бу борадаги маълумотларга эга бўлган. Шунинг учун улар 2008 йил июнда Италияга нисбатан дипломатик норозилик билдирган. Италия ҳукумати эса бу маълумотларни инкор этган ва Италия ҳарбийларига толибонлар бир неча бор қаттиқ ҳужумлар уюштирилгани ҳақидаги маълумотларни келтирган.

Италия ҳарбийлари Сароби ҳудудида 2008 йилнинг ўрталаригача хавфсизликни таъминлаган. Сўнг улар ўрнини Франция контингенти эгаллаган. Шундан кейин Франция контингенти толибонларнинг қаттиқ зарбасига учраган ва 10 нафар ҳарбий қурбон бўлган, 21 нафари тури даражада тан жароҳати олган.

ТАШҚИ ДУНЁ БИЛАН

алоқаси узилди



Европага ёпирилган совуқ циклон шиддатли қор бўрони аралаш кучли шамолни бошлаб келди. Натижада салкам 1 метрлик қор ёғди, шу билан бирга, қучли тўфон дарахтларни қўприқ ташлади. Айниқса, Чехия, Словакия, Польша ва Руминияда бу бўрон табиий офатга айланди.

Чехияда электр узатиш тармоқлари ишдан чиққани боис 100 мингдан ортқ аҳоли электрсиз қолди. Мамлакат шимолда йўллар қалин қор билан қоплангани сабабли транспорт ҳаракати тўхтади. Польшада ҳам шу аҳвол. Минглаб одамлар электр энергиясидан маҳрум бўлган. Авиакатновлар тўхтаган.

Умуман, Европанинг тоғли ҳудудларида поездлар ҳаракати ҳам тўхтади. Қисқаси, айрим ҳудудларнинг ташқи дунё билан алоқаси бутунлай узилган. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар тарқатди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ КОГОН ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Когон шаҳри, Коровулбозор шох қўчасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Когон филиали биноси қурилиши
Буортмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 1251862947 сўм, ҚҚСсиз — 1043219122 сўм.
Қурилиш муддати — 9 ой.
Қурилиш ишлари буортмачининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буортмачи манзили: Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 3-уй.
Тел: 223-70-98, 223-69-73.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдориде айланма маблағини ёки қўрасатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, иш-

лар (хизматлар)ни баҳаршиш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинмади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари катнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрасатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда тан-

лов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Бухоро шаҳар, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.
Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел:** 223-96-29, факс: 223-97-51.
Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кўни ва соатида қабул қилинади, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада** бўлиб ўтади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «БУХОРО-1» БЕКАТИ ЙЎЛ ХИЗМАТИ УСТАХОНАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Когон шаҳридаги «Бухоро-1» бекати йўл хизмати устaxonаси ҳудудида темир йўл йўналиши техникасини таъмирлаш учун ишлаб чиқариш базаси қурилиши ва 10 тонналик кўприк кўтаргич (мостовой кран) ўрнатилиши
Буортмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 1127203246 сўм, ҚҚСсиз — 939336000 сўм. **Қурилиш муддати** — 6 ой.
Қурилиш ишлари буортмачининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буортмачи манзили: Когон шаҳри, Санoатчилар кўчаси, 4-уй. **Тел:** 524-40-77.


Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдориде айланма маблағини ёки қўрасатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни баҳаршиш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинмади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари катнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрасатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилот-

чиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Бухоро шаҳар, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.
Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел:** 223-96-29, факс: 223-97-51.
Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш кўни ва соатида қабул қилинади, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада** бўлиб ўтади.

Тиббиёт масканларида

Балиқчи туманидаги Аълам қишлоқ врачлик пунктида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган вилоят семинари ташкил этилди.

ЭНГ НАМУНАЛИ ҚВП



Мазкур анжуманнинг ушбу тиббий масканда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки яқинда таъмирланиб, янгича қиёфа касб этган ушбу қишлоқ врачлик пункти вилоятда энг намунали тиббиёт маскани сифатида эътироф этилди.

жами 5686 нафар фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, туғиш ёшидаги 1623 нафар аёл соғлиги доимий назоратда.

Андижон вилоятининг бошқа туманларидан ташриф буюрган ҚВП мудирлари, маҳалла маслаҳатчиларидан иборат семинар қатнашчилари кун тартибидagi масала бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар ҳамда ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуман ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигорахон Ёқубова иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: Аълам ҚВП мудираси Мухтасархон Эргашева (ўртада) ҳамкасблари билан.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.



«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА...

ҳамюртимиз Денис Истомин қўшалоқ совринга эга бўлди

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабидида бир ҳафта давом этган «Челленжер» халқаро турнирида билан совриндорлар аниқланди.

Мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мусобақанинг жуфтлик баҳслари ҳамюртларимиз учун муваффақиятли яқунланди. Финалда Денис Истомин/Мурод Иноятов жуфтлиги Йири Кркошка (Чехия)/Лукас Лацко (Словакия)ларга қарши қорғта чиқдилар. Икки сет давом этган мазкур ҳал қилувчи баҳсда вакилларимизнинг қўли устун келди — 7/6 (4), 6/4.

Финал йўлланмаси учун кечган баҳсда ҳамюртимиз Денис Истомин словакиялик Лукас Лацкога қарши қорғта чиқди. Унда Истомин 7/5, 6/3 ҳисобларида ғалаба қозонди. Ярим

финалнинг иккинчи ўйинида кипрлик Маркос Багдатис Александр Долгополов (Украина)ни енгли — 7/6(3), 6/4.

Денис Истомин — Маркос Багдатис ўртасидаги финал урашуви ниҳоятда муросасиз кечди. Унда дастлаб теннисчимиз рақибига 3/6 ҳисобида имкониятни бой берганди. Иккинчи сетда Денис чиройли ўйин намойиш қилиб, Багдатисни мағлуб эта олди — 6/1. Аммо учинчи сетда вакилимизга бироз тажриба етишмади — 3/6.

Шундай қилиб, «Челленжер» халқаро турнирининг жуфтлик баҳсларида ҳамюртларимиз бош соврин билан тақдирланган бўлса, яқкалик баҳсларида Денис Истомин махус мукофотга муносиб кўрилди.

Суратда: М.Багдатис ва Д.Истомин (ўнгда).

Диққат: допинг-тест

ИСМОИЛОВ УЧ ОЙГА ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз ва «Пахтакор» клуби ҳимоячиси Анзур Исмоилов ФИФА томонидан 3 ой муддатга барча мусобақалардан дисквалификация қилинди. У 17 июнь кунини ЖЧ-2010 саралаш баҳслари доирасида бўлиб ўтган Бахрайн — Ўзбекистон учрашувидан сўнг допинг-тест топширган ва текширув ижобий натижа берган.

Анқара шахридаги лабораторияда олинган анализ натижасига кўра, Исмоиловнинг организмида Тетрагидроканнобинол Метаболите молдаси топилган. Шу сабабли ФИФА тартиб-интизом қўмитаси 30 сентябрь кунини Анзур Исмоиловни уч ойга дисквалификация қилиш ҳақида қарор чиқарди ва у 2 октябрдан бошлаб кучга кирди. Энди Исмоилов январь ойидан бошлаб майдонга тушиши мумкин.

Анзур допинг-тестдан ўта олмаган биринчи ўзбекистонлик футболчи бўлди. Бу ҳолат бошқа такрорланмаслиги учун юртимизда ҳам допинг-тест текширувини жорий қилиш масаласини жиддийроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

БУХОРОНИНГ МИНОРАЛАРИ

1127 йилда машҳур меъмор уста Бақо тархи бўйича қурилган Бухородаги Минораи Калоннинг баландлиги 47, 5 м бўлиб, қарийб 900 йилдирки, кўкка мағрур бўй чўзиб турибди.

Минораи Калоннинг бугунги кунимизгача яхши сақланиб қолганининг сабаблари ҳақида бухоролик моҳир уста, иккинчи даражали Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби Олим Абдиев шундай дейди: «Бунинг сири миноранинг пойдеворида. У жуда мустаҳкам бўлиб, ер сатҳидан ўн метр чуқурликда жойлашган. Манбаларда қайд этилишича, уста Бақо минора пойдеворини тиклаб бўлган, бир йил мобайнида уни синовдан ўтказди. Мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина, иншоотнинг қолган қисмини бунёд этишга киришади».

Дарҳақиқат, оддий пишиқ гишт ва ганчдан қурилган Минораи Калон ўз даври меъморчилигининг ноёб дурдоналаридан биридир. Муъжизакор меъморий ечим, саккиз

қиррали юлдузлар занжири, қуфий хатлар, жимжимадор ёзувлар кишини ҳайратга сол

нинг атрофида Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси жойлашган. Минора ичкари-

қилган.

Шаҳарнинг яна бир осмонўпар, маҳобатли меъморий обидаси Чор Минордир. У Бухоронинг шимоли-шарқий қисми — Лабиҳовузининг ортида жойлашган. 1807 йил Халиф Ниёзул томонидан қурилган ушбу мадрасанинг бизгача фақат эшик ва дарвоза қисмлари сақланиб қолган. Улкан меъморий мажмуа сифатида лойihalаштирилган Чор Минорнинг айвони масжидга ўхшатиб қурилган ва ёнида кўм-кўк гумбазли тўрт минора жой олган. Ҳар бир минора мовий ва зангори гишт қошин билан безатилган.

— Бугун вилоятимиз ҳудудида ўн бешдан зиёд қадимий миноралар мавжуд, — дейди вилоят маданий ёдгорликларини сақлаш, асраш ва таъмирлаш инспекцияси раҳбари Туйғун Бобоёв. — Мустақиллик йилларида маънавий меросимизни асрашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Биргина Бухоронинг ўзида утган аср эзилгаларидан талафот кўрган Болои Ҳовуз, Говкушон, Чор Минор каби тарихий обидалар ҳамда Фиждунда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган минора қайтадан таъмирланди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



май кўймайди. Минора асосининг диаметри тахминан 9 метр, унга баландлиги ҳар бири 50 см. гача бўлган 105 та зина орқали чиқилади. Бинорнинг тепа қисми бош кийимга ўхшайди. Уни халқ орасида 16 равокли фонус ҳам дейишади. Бу гўзал иншоот-

сига айнан Масжиди Калон орқали кирилган. Минораи Калон ўз даврида бир қатор муҳим вазибаларни бажарган. У қадимда савдо карвонлари ва сайёҳлар учун маёқ, соқчиларнинг шаҳарни назорат қилиши учун кузатув жойи бўлиб хизмат

ТАРИХНИНГ УНУТИЛМАС БИР ЛАҲЗАСИ



Сурат илк бор чоп этилмоқда

Бу суратда барчамизга қадрили ёзувчилар — Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний сиймолари аксини топган. Буюк адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» романилари адабиётимизнинг олтин фондидан муносиб ўрин олган. Мазкур асарларни юрти-

мизда ўқимаган киши бўлмаса керак. Тарихнавис ёзувчи ва олим Садриддин Айнийнинг «Куллар», «Дохунда», «Судхурнинг ўлими» каби асарлари элга маълум ва машҳурдир. Унинг мумтоз адабиётимиз йирик намояндalари ҳақида ёзган илмий рисоалари ҳамон севиб ўқилмоқда, ўрганилмоқда. Адабиётимизда ўчмас из қолдирган, асарлари ҳозирги кунда ҳам севиб мутолаа қилинаётган адабларимизнинг биргаликда тушган суратини қадрдон газетамиз саҳифасида ёш авлодга етказишни ният қилдим.

Мақсуд ҚОРИЕВ

Вниманию организаций и предприятий!

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, РЕСПУБЛИКАНСКАЯ КЛИНИЧЕСКАЯ БОЛЬНИЦА №1

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Капитальный ремонт здания отделения проктологии и памятника культурного населения по объекту «Республиканская клиническая больница №1 в г.Ташкенте»

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг); обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсной, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

конкурсных предложений прецидусматриваются следующие ценные предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — сто тысяч сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навоий, 22, тел. 8(371) 241-37-50. Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу: г.Ташкент, ул.Навоий, 22. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании Республиканской Клинической Больницы №1 в г.Ташкента ул.Содика Азимова, 74.

Газетанинг навбатдаги сони 24 октябр, шанба кунини чиқадн.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633 O'ZA yakuni — 20.45 Topshirilgan vaqti — 23.00 1 2 4 5 6 7 8

Sohuvda erkin narxda

Маънавий мерос

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. Газета — аввало, ахборот манбаи, билимни бойитиш, дунёдан огоҳ бўлиш воситаси, инсонни ойдин манзилларга бошловчи маёқ... Фақат шуларгина эмас, албатта. Газета — ҳаётда энг садоқатли дўст, фикрдош ва мададкор. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари ушбу тамойилларга амал қилишга интилиб келишмоқда. АЗИЗ ГАЗЕТАХОН! «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК барча бўлимларида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинапти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, ишонангизга ўзи кириб бораверади.

«TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI OLIMLARI» жамоат бирлашмаси фаолияти тугатилди. Даъво ва эътироз бир ой давомида қабул қилинади. Шайхонтохур туман ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Жураев Шерали Бекмурод ўгли номига берилган муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«O'zbekiston Hayot» шўба сугурта компанияси жамоаси Фарғона вилояти филиалининг директори Жамолдин Ниязовга укаси Акбарали НИЯЗОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.